

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВ: ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР



Саида ИРГАШЕВА  
Британия кенгаши,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети  
мустақил изланувчиси  
[saida.irgasheva@gmail.com](mailto:saida.irgasheva@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада юқори малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва таълим сифатини оширишдаги муаммолар таҳлил этилган. Унда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ва битирувчилар учун қўйиладиган жаҳон стандартларига мос талабларни ўзлаштириш максадида ўтказилган сўровнома-тадқиқот лойиҳалари натижалари, PRESETT дастури, унинг мазмун-моҳияти ва бугунги таълим тизимидағи аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

### Аннотация

В статье анализируются проблемы подготовки высококвалифицированных преподавателей и повышения качества образования. Автор делится результатами научно-исследовательских проектов по совершенствованию процесса подготовки будущих преподавателей английского языка и созданию требований, соответствующих мировым стандартам для выпускников. Кроме того, автор объясняет понимание программы PRESETT и ее значение для современной системы образования.

### Abstract

The article deals with the analysis the problems of training of highly qualified specialists and improving the quality of education. The author shares the results of investigative-survey projects on improving the process of training of future English language teachers and the acquisition of requirements, which is equal to the world standards for graduates. Moreover, she explains the understanding of the PRESETT program and its significance in today's education system.

**Калит сўзлар:** CEFR (“Хорижий тилни билишнинг умумевропа компетенцияси: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш”), PRESETT (бўлгуси ўқитувчиларни тайёрлаш), компетенциявий ёндашув, таянч тадқиқот.

**Ключевые слова:** СЕФР («Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, преподавание, оценка»), PRESETT (подготовка будущих преподавателей), компетентностный подход, анализ потребностей.

**Keywords:** CEFR (Common European Framework of Reference), PRESETT (Pre-service teacher training), competence-based teaching, Needs Analysis.

Юртимизда сифатли кадрлар, шу жумладан, юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлаш ҳар доим устувор йўналишлардан бўлиб келган. Бу масалага сўнгги йилларда миллий истиқлол ғояси тамойилларига риоя қилган ҳолда халқаро тажрибаларни кенг ўрганиб ёндашилаётганлиги айниқса,

кувонарлидир. Таълим сифати мониторинги таҳдилларига асослансан, таълим сифатини яхшилашда энг муҳим омиллардан бири, бу – ОЎМТВ, олий таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар ўртасида эришилаётган тўлақонли ҳамкорлик, иккинчиси эса таълим сифатини оширишда муаммога комплекс ёндашувдир.

Халқаро тажрибаларда ўқув дастурларини ислоҳ этиш каби лойиҳаларда энг самарали вазифалардан бири ислоҳотнинг бошланишидан аввал тадқиқот ўтказиш ва амалдаги ҳолатнинг асосий хусусиятларини ўрганиш, ислоҳ қилиш зарур бўлган соҳаларни аниқлаш ва шундан келиб чиқиб, такомиллаштирилиши лозим бўлган вазифалар устида ишлашдир. Бундан бир неча йил аввал ОЎМТВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) ва Британия Кенгаши томонидан инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ҳолатини ўрганиш бўйича таянч тадқиқот ўтказилиши ҳам ана шундай муҳим тажрибалардан бири бўлди. Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитиши сифати ва даражасини мунтазам равишда ошириш, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ва битирувчилар учун қўйиладиган аниқ ва жаҳон стандартларига мос келадиган талабларни ўзлаштириш мақсадида ўтказилган ушбу сўровнома-тадқиқот лойиҳаси қўйидаги асосий хулосаларни ҳавола этди:

- инглиз тили ўқитувчиси касбига қизиқиши ошмоқда, битирувчиларнинг аксарияти ушбу касбни танламоқда;
- барча асосий манфаатдор тарафларнинг фикрича, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ўқув режасида талабаларнинг касбий ва лингвистик эҳтиёжлариға мос келмайдиган фанлар мавжуд;
- ОТМларда асосан грамматик – таржима методи орқали (ўзбек ёки рус тилида) таълим берилмоқдаки, бу ўқувчиларнинг инглиз тилида коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга имконият яратмайди;
- аксарият ўқитувчилар ва ўқувчилар баҳолашнинг коммуникатив турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар;
- амалдаги ўқув режада, тил ҳақидаги назарий фанларга катта эътибор берилиб, амалий машғулотларга камроқ вақт ажратилган;
- инглиз тили ва инглиз тилини ўқитиши методикаси бўйича ўқув дастурлар эскирган дарсликларга асосланган бўлиб, ўқувчиларнинг инглиз тили ўқитувчилари сифатида эҳтиёжларини қониқтирмайди(1).

Хулосаларга таянган ҳолда чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш дастурларини тубдан ислоҳ этиш бошланди. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиши ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference)ни тадбиқ этиш билан бирга Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Унда **чет тилини ўқитишига ихтисослашган таълим йўналишлари битирувчилари** олий таълим муассасасидаги тўрт йиллик таҳсиллари ниҳоясида ўрганаётган чет тили бўйича С1 даражани эгаллашлари минимум сифатида жуда кўп давлатлардаги

каби белгилаб қўйилди. Шунингдек, тегишли таълим йўналишларининг малака талабларида талабаларнинг тайёргарлик даражаси, билим, малака ва кўникумларига қўйиладиган талаблар ҳам янгиланди. Ушбу ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Британия Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик доирасида амалга оширилди. Лойиҳага республикадаги инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга ихтисослашган 17та олий ўқув юрти аъзо бўлди ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мувофиқлаштирувчи вазифасини бажарди. *PRESETT* номи билан маълум бўлган лойиҳанинг хорижий ҳалқаро ҳамкорлари сифатида Буюк Британиянинг Норич Тил ўқитиш Институти ва Ист Англия Университети иштирок этди.

*PRESETT* сўзи аслида “pre-servise teacher training” яъни *касбга кириб келаётган ўқитувчиларни тайёрлаш* маъносини англатади ва бу ҳалқаро тан олинган атама ҳисобланади. *PRESETT* дастури – бу тўрт йиллик бакалавриат босқичида бошланғич ва ўрта махсус таълим муассасалари учун ўқитувчиларни тайёрлаш учун яратилган ўқув дастурдир. Дастур доирасида 20та замонавий, бироқ Ўзбекистонда янги бўлган модуллар яратилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 28 августдаги №319-сонли буйруғи билан тасдиқланиб, босқичма-босқич республиканинг чет тили мутахассисларини таёйёрлашга ихтисослашган 17та ОТМларида татбиқ этила бошланди. Таржимон тайёрлашга ихтисослашган йўналишлар бундан мустаснодир.

### **Ўқув дастурни ислоҳ этишга туртки бўлган омиллар**

Мустакилликка эришилгандан кейин давлат томонидан бош ислоҳотчи сифатида бир неча муҳим вазифалар бажарилди. Жумладан, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди, юртимиз истиқболи учун муҳим бўлган йўналишлар, мутахассисликлар аниқлаб олинди ва сифатли кадрлар тайёрлашда олий таълимнинг вазифалари белгилаб берилди. Бироқ кейинги поғонада юзага келаётган қатор камчиликлар, жумладан, ҳар бир мутахассислик бўйича бити्रувчи талаба эгаллаши керак бўлган билим, кўникум ва малакаларнинг таянч ОТМлари томонидан аниқ ишлаб чиқилмаганлиги, бунда, аввало, янгиланиб бораётган замонавий талабларнинг ва иш берувчининг эҳтиёжлари ҳар доим ҳам инобатга олинмаётганлиги, ўқув режада умумгуманитар фанларнинг керагидан ортиқчалиги ва мутахассислик фанларини етарли даражада чукур ўрганиш имкони йўқлиги, аудитория дарсларини қўпайтирган ҳолда, мустақил таълимга камроқ эътибор берилиши кабилар сифатли кадрларни тайёрлаб беришда яқин-яқингача тўсиқ бўлиб келди.

2000 йилнинг бошларига келиб ҳам чет тили ўқитувчиларини тайёрлашга йўналтирилган анъанавий дастурдаги бир канча фанлар, улардаги мазмун, ҳатто тавсия этилаётган адабиётлар собиқ Иттифоқ замонига тегишли эди, унинг асосий вазифаси тилни, унинг тарихи ва назариясини ўқитишга қаратилганди. Педагогик ёндашув ҳам талабаларга методика бўйича билим бериб, назарий фан сифатида қаралиб келинди. Дастурнинг методик

компоненти ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан жуда чегараланган эди. Мавжуд 17та чет тили мутахассисларини тайёрлашга қаратилган ОТМларнинг 12 таси филология йўналишидаги университетлар бўлиб, уларнинг ўқув режасида берилган *Чет тили ўқитиши методикаси* назарий курсини ўқитишга бор-йўги 70 соат ажратилганди. Қолган 5та педагогика институтида Педагогика, Чет тили ўқитиш методикаси фанларига кўпроқ соат ажратилишига қарамай, бу соатлар маъруза ва семинар ҳисобидан амалга ошириб келинار, дарсларнинг аксарияти она тилида олиб борилар ва талабалар ўқитиш методикалари ҳақидаги билимларини, асосан, турли методикалар ҳақидаги маълумотга эга бўлиш билан тўлдириб келардилар. Тегишли технологияларни амалиётга кўллаш кўникмаси ва малакасини ривожлантиришга қаратилган амалий соатларнинг етишмаслиги талабаларнинг битириш босқичида ҳам ўз касблари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасликларини кўрсатарди.

Шунингдек, дастурнинг жуда катта қисми назарий ёндашув, масалан, лингвистика (синтаксис, фонетика, морфология, семантика, стилистика ва бошқалар) фанларига ажратилган ва бу фанларда, асосан, тил ҳамда тил тарихи ўргатиб келинди. Ваҳоланки, жуда кўп марта сифатли чет тили мутахассисини тайёрлашда амалий ёндашувнинг афзаллиги, тил тизимини билишнинг ўзи эмас, биринчи навбатда, ушбу билимни етказиб бера олиш, тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш каби тил кўникмаларини мунтазам қўллай олиш ва буларни тил ўрганувчидаги шакллантириш каби касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг афзалликлари таъкидлаб келинди. Олий таълим муассасаларидаги баъзилар “Биз филолог тайёрлаймиз” деб айтишларига қарамай, ушбу талабаларнинг келгусида мактаб ва лицейларда дарс бериши кундек равшан эди.

Ҳатто 2000 йилларнинг бошида ҳам мутахассислик ОТМларида қўлланилаётган адабиётларнинг кўпчилиги рус-инглиз тилида Россияда ёзилган адабиётлар бўлиб (*A Practical Course of English* Аракин, *Textbook of English* Бонква бошқалар), грамматик-таржима методига асосланган, методологик жиҳатидан тилни индивидуал эгаллашга ундовчи, фақат бир жанрдаги матнларни ўз ичига олган адабиётлар эди. Бунда календар-тематик режанинг фан мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб белгиланиш ўрнига, ушбу дарсликлардаги мавзуларга асосланниб тузилиши талабаларнинг энг муҳим кўникма ва компетенцияларни эгаллашларига халақит берарди.

### **PRESETT дастури таркиби ва мазмуни**

Жаҳон стандартлари асосида такомиллаштирилган, узлуксизлик ва узвийлик, фанлараро боғлиқлик, касбга йўналтирилиш каби тамойиллар асосида тузилган янги PRESETT ўқув дастури 2та катта курсни: Лингвистик ва Методика курсларини ҳавола этади. Ҳар бир курс 4та босқичда умумий 20та модулдан ташкил топган.

1. Лингвистик курс халқаро стандартлар даражасида инглиз тилида тушуниб, гапира ва ёза оладиган ҳамда педагогик фаолиятда зарур бўладиган тил тизимлари ҳақида чукур билимга эга битирувчиларни тайёрлашга

йўналтирилган курс бўлиб, 4 та босқич давомида қуйидаги модулларни ўз ичига олади:

1. *Интеграллашган тил кўникмалари (1–2-босқичлар) (B1+дан B2+ даражагача).*
2. *Оғзаки нутқ амалиёти (1–2-босқич) (B1+дан B2+гача).*
3. *Ўқиши модули (1-, 2-, 3- босқичлар) (B2 дан C1гача).*
4. *Ёзма нутқ амалиёти (1-, 2-, 3-босқичлар ва 4-босқичда илмий ёзув) ('B1+' – 'C1').*
5. *Коммуникатив грамматика (1- босқич).*
6. *Коммуникатив лексика (1–2-босқичлар).*
7. *Дискурс (матн) таҳлили (2-босқич).*
8. *Инглиз тили халқаро тил сифатида (3- босқич).*
9. *Маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантириши (3- босқич).*

Лингвистик курсга киристилган модулларнинг асосий мақсади чет тилида тил кўникмаларини (tinglab тушуниш, ёзиш, гапириш, ўқиш кўникмалари) мукаммал эгаллашга ўргатишидир. Жумладан, 1- босқичдан 3- босқичгача ўтиладиган *Ёзма нутқ амалиёти модули* инглиз тилида норасмий ва расмий хатлардан тортиб ҳисобот, тақриз, мақола ёзишгача ўргатади. 4- босқичда эса, талабалар илмий ёзув талаблари билан таништирилади, уларнинг битириув малакавий ишларини ёзиш, умуман илмий иш ёзиш кўникмасини ривожлантирилади. Шунингдек, ушбу модуллар орқали тил кўникмаларини ривожлантириш билан бирга талабанинг бир неча трансферебл кўникмаларини (инглизча transferable skills, танқидий фикрлаш, бошланғич илмий тадқиқот кўникмалари, гурӯҳ бўлиб ишлаш кабилар) ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тавсия этилаётган мазмунга ҳам ўзгартириш киристилган. Жумладан, Тил кўникмалари интеграцияси, Ўқиши каби модуллар 1- ва 2- босқичларда “Ўзбекистон ва дунё”, “Оилавий қадриятлар”, “Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти”, “Ижтимоий масалалар (Аёл кишининг роли, Ёшлардаги жиноят, Маҳалла ва жамият, Миллий ижтимоий урф-одатлар (хашар))” каби мавзулар билан бойитилди.

2. Методологик курс ёки *Чет тилини ўқитишининг интеграллашган* курси бир нечта модуллардан иборат. Улар 2-босқичдан 4-босқичгача олиб борилади. Мазкур курс XXI аср ўқувчилирининг чет тилини ўрганишдаги талабларига жавоб бера оладиган инглиз тилини ўрганиш ва ўқитишининг самарали методларидан оқилона фойдалана оладиган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган. Мазкур чет тили методикаси курси амалий курс ҳисобланади ва дастурда тавсия этилаётган информацион-услубий таъминот, топшириклар ва баҳолаш талаблари бу курсни 100% инглиз тилида олиб боришга мўлжалланган. Ушбу курс қуйидаги модуллардан ташкил топган:

2-босқич:

1. *Тил ўрганишга индивидуал ёндашув (Language Learning).*
2. *Тил ўқитиши тамоийиллари (Approaches to Language Teaching).*

3. Тил тизимларини ўқитишга коммуникатив ёндашув (*Teaching Language System for Communication*).

4. Мустақил таълим кўниҳмалари (*Independent Study Skills*).

3-босқич:

5. Тил ўқитишда интеграллашган ёндашув (*Teaching and Integrating Language Skills*).

6. Аудитория нутқи (*Classroom Language*).

7. Ўқув адабиётларни танлаш ва янгиларини яратиш (*Materials Evaluation and Design*).

8. Ўқув машғулотларини режалаштириши (*Planning Learning and Teaching*).

4-босқич:

9. Чет тилини касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш (*ESP*).

10. Синфни тадқиқ қилиши методикаси (*Classroom Investigation*).

11. Билимни баҳолаши турлари ва мезонлари (*Language Testing and Assessment*).

12. Турли ёшдагиларга чет тилини ўқитиш (*Teaching Different Age Groups*).

Модулма-модул ривожланиб борадиган амалий методика тўлиқ курсининг мақсади тил ўрганувчига ва таълим талабларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантирган ҳолда, дарсларни босқичма-босқич режалаштира оладиган, ўқувчидаги тил кўниҳмаларини интеграллашган тарзда шакллантира оладиган, чет тилида билим ва кўниҳмаларни баҳолай оладиган, янги метод ва технологияларни тадбиқ эта оладиган замонавий мутахассис-ўқитувчини тайёрлашга қаратилган.

Дастурда инглиз тилига халқаро муроқот тили сифатида ёндашиш ва маданий ёндашишга алоҳида эътибор қаратилади. Талабага бериладиган билимни фақат тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, маданияти, географияси, сиёсий тизими ҳақидаги билимлар билан бойитмасдан, фанда “кичик С (culture)” сифатида маълум бўлган масалалар, жумладан, маданиятлараро ҳар хилликни тушуниш, маданиятлараро муроқотда маданиятта хос хусусиятларни (саломлашув, мулозаматни акс эттириш йўллари, расмий ва норасмий мурожаат қилиш йўллари, идиомалар ва ҳоказо) ўринли ишлатиш каби коммуникатив кўниҳмаларни оширишга эътибор қаратилади. Бу мақсадларга нафақат *Оғзаки нутқ амалиёти*, *Ёзма нутқ амалиёти* модуллари орқали, балки янги киритилан *Маданиятлараро муроқот компетенциясини ривожлантириши* модули орқали эришилмоқда. Шунингдек, талабаларга ўрганилаётган тил маданиятига хос жиҳатларни ўргатиш бўйича учун топшириқлар яратса олиш, мос келадиган ўқув материалларни танлай олиш, дарсликларни таҳлил қилиш, мослаштириш каби малакалар ҳам мазкур модул орқали ва *Ўқув материалларни танлаш ва яратиш* модули ёрдамида ҳам ўргатилмоқда.

Янги ўқув дастурда жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда таълим кўниҳмаларини ривожлантирувчи *Мустақил таълим олиши* кўниҳмаларини

ривожлантириши махсус модули яратилди. Ушбу модул орқали ОТМларда таълим олиш хусусиятлари, автономлик тушунчаси, вақтни режалаштириш, идрок қилиш стратегиялари, хотирани мустаҳкамлаш, жамоа бўлиб ишлаш, маълумотлар излаш ва уларни қайта ишлаш, плагиатнинг олдини олиш каби ҳам ўқиш жараёнида, ҳам келгусида иш фаолиятида керак бўладиган кўникмалар шакллантирилади.

Янги дастурнинг яна бир жиҳати унда баҳолаш тизимининг тубдан ислоҳ этилганлигидир. Баҳолашда назарий билимга эмас, балки тил кўникмалари ва амалда қўллаш қобилиятига эътибор қаратила бошланди. Дастурга илова тарзида ишлаб чиқилган Ўқув методик тавсиянома (Assessment Specification) ҳар бир модул бўйича янги баҳолаш турларини, вазифаларни, уларни ўтказиш бўйича намуна топшириқларни ва баҳолаш мезонларини тавсия этади. Унга кўра, барча топшириқлар инглиз тилида бажарилиши, берилган мезонларга риоя қилган ҳолда уларнинг бир неча қораламаси тайёрланиши ва тақризда кўрсатилган камчиликлардан кейингина баҳоланишга топширилиши лозим. Анъанавий ва янги дастурдаги назорат топшириқлари, жумладан, қуйидагича фарқланади(2).

Анъанавий баҳолаш топшириқлари	PRESETT дастуридаги баҳолаш топшириқлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>– билимни баҳолаш тестлари;</li> <li>– диктант;</li> <li>– ёдлаш ва айтиб бериш топшириқлари;</li> <li>– иншо.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– мини тақдимотлар(ижтимоий ва касбга доир мавзуларда);</li> <li>– лойиҳа иши (якка, жуфт, гурухда);</li> <li>– кўникма тестлари;</li> <li>– давра сұхбати;</li> <li>– дебат;</li> <li>– кейслар ёзма таҳлили;</li> <li>– ўзаро ёзма тақриз;</li> <li>– расмий хатлар, хисоботлар;</li> <li>– ёзма ва оғзаки матн таҳлили;</li> <li>– мақола ёзиш;</li> <li>– иншо;</li> <li>– ўқув материалини, модулни яратиш;</li> <li>– ўзаро дарс кузатиш;</li> <li>– дарс режасини тузиш ва гурухда микродарс ўтказиш.</li> </ul>

Мазкур лойиҳанинг яна бир инновацион жиҳати – муайян бир дарсликдан атайн қочишидир. Бунда ўқитувчи биргина дарсликка таяниб қолинмаганлиги боис, ўқитишнинг турли манбаларидан фойдаланган ҳолда мос равища янгилик ва ўзгартиришлар киритиб бора олади.

### **Ўқув дастурни яратиш ва тадбиқ этиш жараёнида амалга оширилган вазифалар**

Сифатли дастур яратиш мақсадида қуйидаги **вазифалар** амалга оширилди:

– Биринчи навбатда, янги дастурлар устида ишлаш учун салоҳиятли мутахассислар гурухини шакллантирилди. Бунда ишчи гурухга Республикализнинг етакчи ОТМларида янги замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалда дарс ўтиб келаётган, Англия, Европа ва АҚШ каби бир қанча мамлакатларда малакасини ошириб келган, мунтазам равишда республика ва чет элларда семинар-тренинглар ўtkазиб келаётган университет ўқитувчилари таклиф этилди. Шунингдек, ушбу гурух аъзоларининг малакаси лойиха давомида мунтазам ошириб борилди.

– Дастурлардаги баҳолаш шакллари ва мезонлари такомиллаштирилди. Талабаларни ижодий ва танқидий фикрлашга, мустақил фикрлашга ундейдиган замонавий методлар (масалан, Портфолио, рефлексия, постер презентация, лойиха, кейс кабилар) бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.

– Тўрт йиллик бакалавр босқичларида 1500 соатни ташкил этган *Асосий ўрганилаётган тил* фани учун ўқув дастури янги 20та модулни жамлаган ва хорижлик мутахассисларни жалб этган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларида яратилди.

– Тажриба-синов (апробация) ишлари мониторинги ўtkазилди, яъни амалиётда синалаётган ўқув режа ва дастурларнинг самарадорлиги тестлар, кузатувлар, сўровнома ва бошқалар ёрдамида аниқлаб борилди ҳамда натижалар мониторинги ташкил этилди.

– Янги модуллар бўйича намунавий дарс ишланмалари ва тарқатма ўқув материаллари яратилди.

– Йилдан-йилга 1 дан 4 гача бўлган ҳар бир босқичда янги модулларни тадбиқ этиш давомида дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни қўллаб-куватлаш, уларнинг малакасини ошириш учун семинар-тренинглар ташкиллаштирилди.

– Янги тузилган ўқув дастурларида кўзда тутилган илғор педагогик технологиялар, интерфаол усуслардан кенг фойдаланиш мақсадида ОТМларни хорижда яратилган зарур адабиётлар билан таъминлаш бошланди.

Шунингдек, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича янги PRESETT ўқув дастури расман татбиқ этилишидан олдин ўзаро имзоланган Меморандумга асосан, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлайдиган 17та ОТМларининг бакалавр босқичида – 10% дан 25% гача бўлган гурухларда тажриба-синовдан ўtkазилди. Янги фанларни татбиқ этишдан аввалги ва жорий этилишидан кейинги ҳолатларни таққослаш мақсадида тажриба гурухлари ва анъанавий гурухларда ўқув йили сўнгига талабалар ва ўқитувчилар ўртасида сўровномалар ташкил этилди, ўқитувчилар ва талабаларнинг фикр-мулоҳазалари аниқланди.

Республика ОТМларидаги янги дастур бўйича таълим олаётган тажриба гурухларида талабаларнинг 81%и янги дастурни фойдали деб билдилар. 65% талаба инглиз тилини ўрганишимга ёрдам беради, 49% рағбатлантиради, илҳомлантиради, 26%и изланишга ундейди ва 20%и замон талабига мос деб қайд этганлар. Эътиборлиси шундаки, хеч бир талаба “тушунарсиз”, “менга тўғри келмайди” деган жавобларни танламаган.

Бундан фарқли анъанавий дастур асосида таълим олаётган талабалар ОТМдаги чет тили мутахассислик дарсларини “қизиқарсиз, замонавий эмас, билган нарсаларимиз такрорланяпти, инглиз тилида ўқитилмайди”, деган фикрда.

Дастлабки натижаларга кўра, тажриба гурухларида талабаларнинг тил кўнималари назорат гурухларидагидан сезиларли даражада юқори бўлган. Ишчи гурух томонидан ўтказилган тест натижаларига кўра, талабаларнинг инглиз тилини билиш даражаси иккинчи босқич якунида Республика бўйича тажриба гурухларида биринчи йили ўртача 48%ни ташкил этган бўлса, кейинги ўқув йилида бу кўрсаткич 60% га етди. Назорат гурухларида эса, бу кўрсаткич 33%дан ошмаган. Янги амалий методика курсини ўқишидан аввал талабаларнинг 25-30%и ўқитувчи бўлиш истагини билдирган бўлса (аксари талабалар битиргандан сўнг хорижда ўқиш ёки ишлаш, ҳатто дипломат бўлиш истагини билдиришган), мазкур курс модулларини ўқиб чиқсан талабаларнинг 70%и ўқитувчи бўлиш истагида эканлигини айтиб ўтганлар. Жумладан, ЎзМУнинг тажриба гуруҳидаги 10 та талабанинг 9 таси амалиёт ўтаган лицей ва колледжларига ишга таклиф этилган.

### *Дуч келинаётган қийинчиликлар*

Ўқув дастурларини ва баҳолаш тизимини тубдан ислоҳ этиш билангина кутилаётган натижага эришиб бўлмайди. Жойлардаги мутахассислик ОТМларида ўтказилган мониторинг бир қанча ютуқлар билан бирга мавжуд қийинчиликларни ҳам аниқлашга имкон берди. Жумладан (2):

- янги дастур бўйича ишлаш ўқитувчилардан ўз устида мунтазам ишлашни тақазо этади, бу эса ўз навбатида касб маҳоратини ошириш билан бирга янги билим ва кўнималарни ривожлантиришга рағбатлантиради. Бироқ жойларда ўқитувчилар янги модулларни мукаммал ўзлаштириш ва дарсларга тайёрланиш учун ҳар доим ҳам вақт топа олмаётганликларини билдирганлар;

- ЎзДЖТУ ва Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ҳар ўқув йилида 2 мартадан мақсадли тренинг ўтказилишига қарамай, бугунги кунга келиб республика бўйича 250та ўқитувчининг малакасини оширишга ва янги дастур билан ишлашга ўргатишга эришилди. Ваҳоланки, биргина ЎзДЖТУнинг ўзида янги модуллар бўйича дарс берадиган ўқитувчилар сони инглиз тили йўналишида 300 тадан ортиқ;

- жойлардаги вазият ўрганилганда янги дастур бўйича дарс бераётган ўқитувчилар лойиҳа ишчи гуруҳи ва англиялик мутахассислар ҳамкорлигига ишлаб чиқилган билан неча ҳужжатлар (ДТС, янги яратилган намунавий ва ишчи дастурлар, баҳолаш учун топшириклар тўплами ва улар учун ишлаб чиқилган мезонлар) билан етарли танишиб чиқмаганликлари, бу эса навбатида аудиторияларда талабаларга эскича ёндашув асосида дарс ўтиб келинаётганлигига сабаб бўлмоқда;

- янги дастур тасдиқланган ва у 2013–2014 ўқув йилидан 1-босқичда тадбиқ этиб келина бошланганлигига қарамай, баъзи кафедраларда янги дастурни қисман татбиқ этиш билан бирга мутахассислик фанлари учун анъанавий дастурларда белгиланган фанлар ҳам ўтиб келинган;

– талаба билимини фан бўйича баҳолаш мақсадида ҳар бир модул бўйича тавсиялар, машқлар ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Лекин шунга қарамай, баъзи жойларда янги фанлар ўтилиб, баҳолаш эса эски усулда, яъни анъанавий тестлар, диктантлар ва бошқалар ёрдамида ўтказилмоқда.

### **Хулоса**

Хулоса ўрнида янги жорий этилган ўқув дастури бўйича холисона баҳолаш олиб боришга жалб этилган халқаро ташқи эксперт баён этган фикрларни билдириш ўринлидир:

Мазкур ўқув дастурининг асосий ютуғи – унинг мавжудлигидадир. Дастур Ўзбекистон учун энг муҳим даврда ишлаб чиқилди ва у “миллий” миқёсда қабул қилинишга тайёр ва қодир ноёб ресурс. Шунингдек, бу халқаро дастур бўлиб, халқаро тадқиқотлар ва хужжатларга асосланган ҳамда қабул қилинган ва ишончли халқаро стандартларга мослаштирилган.

...Аниқландикси, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга қаратилган модуллар бўйича ишлаб чиқилган янги ўқув дастури замонавий бўлиб, таркиби ва мазмуни жиҳатидан Буюк Британия ва Фарбий Европадаги муқобил дастурларга тўлиқ мутаносиб ҳамда халқаро стандартларга, хусуса, тиллар ўқитиши бўйича Умум Европа стандартига мос келади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Болито Р., Гулямова Ж., Иргашева С. (2014). Professional Development through ‘Curriculum Reform: The Uzbekistan Experience’ in Hayes D. (ed), Innovations in the continuing professional development of English language teachers. Буюк Британия.
2. Вест Р. PRESETT Curriculum Reform Project: External Evaluation Report. – Тошкент: Британия Кенгаши лойихалар хисоботлари тўплами, 2013.